



MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021
Chop etildi: 30-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

таълим-тарбия,
мактабгача таълим,
мактабгача ёшдаги
болалар, тарбиячилар,
Мария Монтеessori
методикаси...

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнларининг янги шакллари жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3305–сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга берилган шарҳда таъкидланганидек: “ ... бугунги кунда

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАРИЯ МОНТЕССОРИ МЕТОДИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

М.Фуломжонова¹

¹ НамДУ 2-босқич магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5813689>

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларини ҳар томонлама камолга етказишда Мария Монтеessori методикасидан фойдаланишнинг аҳамияти ва афзалликлари хусусида сўз юртилади...

мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш, илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласи долзарблигича қолмоқда”¹ Мазкур қарорда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қарорда кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган, шу жумладан, педагог ва раҳбар ходимлар-

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (www.lex.uz), 2017 й. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 3 октябрь.



нинг малакасини ошириш жараёнини самарали ташкил этиш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш, таълим ташкилотларини юқори малакали, замонавий билимга эга кадрлар билан таъминлаш белгиланган. Мактабгача таълим ташкилотларида Мария Монтессори таълимоти методикасини қўллаш тарбияланувчиларни ҳар томонлама камолга етказишда катта аҳамият касб этади. МТТда болалар яратилган қулайлик натижасида болалар соғлом фаолият юритадилар. Имкон қадар ҳар бир гуруҳда М.Монтессори педагогикаси асосида болалар учун ижодий ривожлантирувчи муҳит яратилиши лозим. Бундай муҳитда кундалик иш фаолияти давомида болалар ўзларини эркин тутишлари, бир-бирига нисбатан ҳурмат, муҳаббат, ўзаро ёрдам бериш каби инсонпарварлик туйғуларини шакллантирувчи фикрлар воситасида ҳаётий фаолликка эришадилар ва ўз қизиқишлари асосида тараққий этиб борадилар.

Таълимнинг инсонпарварлашуви ва инсон қобилиятларининг очилиши ҳамда унинг таълимга нисбатан бўлган турли туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашувидир. Шу боис, бугунги кунда мактабгача таълим педагогикасини ривожлантириш мақсадида бир қанча илғор усуллар татбиқ этиб келинмоқда. Шулардан бири Мария Монтессори технологиясидир. Бу моҳиятан ҳаётдан

ўзлаштирилган “табiiй” усул бўлиб, бола тарбиясида ўзининг ҳар томонлама мукамаллиги билан оммалашган. Бу муҳит болаларда у ёки бу мустақил фаолият билан шуғулланишни, турлитуман таълимий ўйинлар ва М.Монтессори жиҳозларини танлаш имкониятини яратади. Бола ўзини ўраб турган атроф-оламни таҳлил қилади ва унинг атрофида уларни ўрганиш учун: мунчоқлар, банкчалар, жадваллар, хумчалар ва патнислар каби турли туман нарсалардан фойдаланади.

Ҳар бир бола эркин ҳолда кўнгли хоҳлаган нарсаларни танлаши, улар билан хоҳлаганича ишлаши мумкин. М.Монтессори услубига кўра ижодий ривожлантирувчи муҳит: махсус жиҳозланган хона, шаклланган болалар гуруҳи, ривожлантирувчи жиҳозлар, малакали тарбиячидан иборат. Ҳар бир бурчак-мини- муҳитни жиҳозлашда унинг ҳар бир майда- чуйдаси ҳам ўйлаб чиқилиши ва у боланинг ҳар тарафлама тараққий этишига таъсир кўрсатиши лозим.

Ҳар бир хонанинг майдони шартли равишда қуйидаги мини-муҳитга ажратиш мумкин. Улар:

- амалиётда тажриба ўтказиш мини-муҳити;
- сенсор ривожланиш мини-муҳити;
- нутқ ўстириш, савод ва ўқишга тайёрлаш ва ўргатиш мини- муҳити;
- математика мини-муҳити;
- саҳналаштириш мини-муҳити;
- ўйнаш мини-муҳити;
- ижодий устахона мини-муҳити ва бошқалар.



Ҳамма жиҳозлар боланинг ёшига мос ва олишига қулай ва очиқ жойда, патнисларда жойлашган бўлиши, бола уни осонликча кўра олиш ва унда қизиқиш уйғотган нарсани танлаб олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Агар у бирорта нарсани биринчи марта олаётган бўлса, бу нарса билан тажриба ўтказиб кўриши ёки катталарга ёрдам сўраб мурожаат қилиши, бу нима ва қандай қилиб бу нарса ёки жиҳоз билан нималар қилиш мумкинлигини билиб олиши имкониятига эга бўлсин. Стол ва стуллар ҳар бир боланинг ёшига мос танланади.

М.Монтессори педагогикаси ижодий фикрнинг жамланишини тезлаштиради ва маънавий чарчоқ даврида унга ёрдам беради. Биз томондан яратилган ривожлантирувчи муҳитнинг ажралиб турадиган томони-бу унинг эстетик жиҳатидан талабга жавоб беришидир. Биз имкон қадар болалар учун мўлжалланган жиҳозлар ёрқин, табиий рангларда бўлиши, бу жиҳозлар ёшлиқдан болада чиройли

нарсаларга муҳаббат уйғотиши, бадиий дидларини тараққий эттириб бориши лозим. Чирой кўркемликда эмас, балки ранг ва тасвирларнинг уйғунлигида, тартибликда ва тўғри жойлаштирилади билишдадир. Атрофимизда яратилган барча шарт-шароит – хонани жиҳозлашдан тортиб то тарбиячининг ташқи кўринишигача – болани тарбиялайди.

Мария Монтессори технологияси айнан шу фикрни олға сурувчи усуллар мажмуи бўлиб, маънан етук, мустақил фикрловчи ва доимо муваффақиятга эришишга интилувчи шахсни тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда мазкур технологияни халқимизнинг миллий маданий ва тарихий мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштиришда кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин. Бундай тарбия асосларини яратиш эса бугунги кундаги асосий мақсадимиз ҳисобланади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (www.lex.uz), 2017 й. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 3 октябрь.
2. Джуманова Д.М., “Бола шахсига йўналтирилган таълимда Мария Монтессори методикаси”. “Замонавий таълим” Т.:2016.№6.Б.40-44.
3. Ю.И.ФАУСЕК. “Монтессори болалар боғчаси”Тошкент.”Янги аср авлоди”. 2008 йил.